

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№23 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Хайдаров И.М.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРИХИДАН
(XX асрнинг 60-80 йиллари).....4

2.Азаматова Г.Б.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИДА ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....14

3.Бутаев У.

МУРАККАБ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.....24

4.Ёдгоров З.Ш.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.....31

5.Мажидов А.Ф., Абдурасулова Д.Т.

ТАРИХИМИЗНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ ХУСУСИДА БАЎЗИ
МУЛОҲАЗАЛАР.....40

6.Пардаев Т.Р., Турсунов Ж.Н.

МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА
МУНОСАБАТИ.....44

7.Охунжонова Ш.Ю.

ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАНБАЛАРДА
АКС ЭТИШИ.....50

8.Тухтаева М.С.

XX АСР ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТШУНОСЛАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА
ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....59

9.Шукуров Р.

БУХОРО БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАҲЛИЛИ.....68

10.Тўпчиев У.С.

ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШЛАРИДАТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА
ВИНОЧИЛИК САНОАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.....75

11.Мадаминаова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С.

ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....89

12.Нарзуллаева Н.А.

ХИВА ХОНЛИГИ МЕТРОЛОГИК ТИЗИМИ.....96

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ҳайдаров Иззатилла Маҳмутаевич,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРИХИДАН (XX асрнинг 60-80 йиллари)

For citation: Izzatilla M. Haydarov. The history of the agro-industrial complex in Uzbekistan (60-80s of the 20th century). 2019, vol. 23, issue 2, pp. 4-13

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-01>

АННОТАЦИЯ

Мақолада совет ҳукумати томонидан XX асрнинг 60-80 йилларда амалда бўлиб келган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш мақсадида аграр-саноат комплексининг шакллантирилиши унинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистонда ҳам аграр-саноат комплексининг ташкил қилиниши, унинг Ўзбекистон халқ хўжалигига ва саноати таъсири ёритилган. Шу билан бирга мақолада аграр-саноат комплексининг соҳаларга бўлинган қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва ундан тайёрланган маҳсулотни сотиш билан боғланган тармоқлари бўйича масалалар ҳам баён қилинган. Шунингдек ишда турли манбалар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ва якуний хулоса берилган.

Калит сўзлар: бошқариш, саноат, марказлаштириш, ислохот, маъмурий-бўйруқбозлик, иқтисод, хўжалик, тизим, қонун, корхона.

Ҳайдаров Иззатилла Маҳмутаевич,
Ташкентский государственный институт востоковедения
доцент кафедры Истории и источниковедения
народов Центральной Азии, кандидат исторических наук

ИСТОРИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА УЗБЕКИСТАНА (60-80-е годы XX века)

АННОТАЦИЯ

В статье описывается формирование агропромышленного комплекса в Узбекистане советским правительством в 60-80-х годах 20-го века для обеспечения страны продовольствием и сельскохозяйственным сырьем, а также его влияние на национальную экономику и промышленность в Узбекистане. В то же время в статье рассматриваются сектора агропромышленного комплекса, связанные с производством, переработкой, транспортировкой, хранением и реализацией сельскохозяйственной продукции, разделенные на сектора. Исследование также дает сравнительный анализ различных источников и делает выводы.

Ключевые слова: управления, промышленность, централизация, реформа, командно-административное управление, экономика, хозяйство, система, кооперация, закон, предприятия.

Izzatilla M. Haydarov,

Tashkent State Institute of Oriental Studies
Associate Professor of the Department
of History and Source Studies of Central Asian Peoples,
Candidate of Historical Sciences

**THE HISTORY OF THE AGRO-INDUSTRIAL COMPLEX IN
UZBEKISTAN (60-80s of the 20th century)****ANNOTATION**

The article describes the formation of the agro-industrial complex in Uzbekistan by the Soviet government in the 60-80s of the 20th century to provide the country with food and agricultural raw materials, as well as its impact on the national economy and industry in Uzbekistan. At the same time, the article deals with the sectors of the agro-industrial complex associated with the production, processing, transportation, storage and sale of agricultural produce, divided into sectors. The study also provides a comparative analysis of the various sources and draws conclusions.

Key words: management, industry, centralization, reform, command-administrative management, economy, economy, system, cooperation, law, enterprises.

Коммунистик партия аграр сиёсатни ривожлантириб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурини ишлаб чиққан эди. Бу дастур асосида жуда катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган иккита вазифа: мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш, бунинг учун ҳамиша етарли заҳирага эга бўлиш ҳамда шаҳар ва қишлоқни бир-бирига яқинлаштириш - коммунистик қурилишнинг кўпгина катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ҳал этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва мустақамлаш билан боғлиқ бўлган. Шу боисдан ҳам совет ҳукумати аграр сиёсатни ўз иқтисодий стратегиясининг таркибий қисми деб билган[1, Б.38].

КПСС Марказий Қўмитасининг март (1965 й.) Пленумида Л.И.Брежневнинг ташаббуси билан партия аграр сиёсатининг янги йўли ишлаб чиқилган эди (Пленум белгилаган бу йўл кейинчалик КПССнинг XXIII (1966 й.), XXIV (1971 й.), XXV (1976 й.) ва XXVI (1981 й.) съездлари қарорларига мувофиқ ривожлантирилди).

Партиянинг аграр-сиёсий йўли қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, уни индустриал асосга ўтказиш йўналишида ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурида ўз ифодасини топган эди. Аслида, Ленинча кооператив режани амалга оширишнинг учинчи босқичи шу даврга даврга тўғри келган бўлиб, бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ихтисослаштириш, марказлаштиришни кучайтириш билан ифодаланади [2, б.16].

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик хом ашёси етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини аввалги беш йилликка нисбатан 14-17%га кўпайтириш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифани бажаришда аграр-саноат интеграцияси муҳим роль ўйнаши лозим бўлган. КПСС XXV съездида шундай деб уқтирилган эди: "Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш замирида маҳсулот етиштириш ҳажмини тез кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннарини камайитиришнинг катта имкониятлари яшириниб ётибди. Бизнинг ташкилотчилик ишимиз, режалаштириш, иқтисодий омиллардан фойдаланиш бу илғор жараёнга ҳар тарафлама кўмаклашиши лозим"[2, Б.42]

КПСС МҚ партия XXV съезди қарорларига мувофиқ, 1976 йил майда "Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада ривожлантириш тўғрисида" қарор қилган эди[3, Б.6].

Аграр-саноат интеграцияси жараёни жадал давом эттирилиши натижасида мамлакатда тузилган 8 мингдан кўпроқ хўжаликлараро ва аграр-саноат корхонаси ҳамда бирлашмаси кўп миқдорда хилма-хил маҳсулот берарди. Шу жараённинг кучайиши аввало тармоқлараро алоқаларни такомиллаштиришда ва локал аграр-саноат комплексларини ривожлантириш-да, кооперациялашган корхоналарнинг кўпайишида, уларга жамоа ва давлат хўжаликларини жалб этишда ўз ифодасини топиб борди.

Аграр-саноат комплекси халқ хўжалиги миқёсида қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг кўп тармоқларини ўз ичига оларди. Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғит ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи кимё индустрияси тармоқлари, қишлоқ электр энергетикаси, омухта ем саноати, қишлоқ хўжалик хом ашёси асосида ишловчи озиқ-овқат ва енгил индустрия шу комплекс таркибига кирарди.

Аграр-саноат комплекси уч соҳага бўлинган: биринчиси қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда ишлаб чиқариш-техник, агрокимё, ирригация, мелиорация, ветеринария-санитария хизматларидан, учинчиси эса қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва ундан тайёрланган маҳсулотни сотиш билан боғланган тармоқларни ўз ичига олган.

СССР халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси тизими қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал.

СССР халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси тизими (СССР халқ хўжалигининг 1972 йилда тузилган сўнги тармоқлараро баланси маълумотлари

асосида)[4, А.20]

Кўрсаткич	I-соҳа	II-соҳа	III-соҳа
Ходимлар сони (млн киши)	4,8	29,0	10,1
АСКдаги барча ходимларга нисбатан % ҳисобида	10,9	66,2	22,9
Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот: АСК ялпи маҳсулотига нисбатан % ҳисобида минг сўм	16,3	40,4	43,3
Бир ходим ҳисобига минг сўм	10,7	3,8	19,8

АСК ходимларининг асосий қисми комплекс ялпи маҳсулотнинг 40%дан кўпроғи бевосита етиштирилаётган қишлоқ хўжалигида (иккинчи соҳада) тўпланганлиги жадвалдан кўриниб турибди. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги бир ходим ҳисобига бу соҳада етиштирилган маҳсулот биринчи соҳадан уч баравар, учинчидан эса беш баравар кам бўлган. Бу маълумотдан қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси саноатга нисбатан жуда паст бўлганини яққол кўриш мумкин. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иқтисодий шарт-шароитларни тенглаштириш аграр-саноат интеграциясининг бош вазифаларидан бири эди.

Аграр-саноат комплекси мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутарди. СССР халқ хўжалигининг 1972 йилги тармоқлараро баланси маълумотларига кўра, комплекс ходимларининг сони 43,9 млн кишини ёки жами ишловчиларнинг 37,9%ини ташкил этган. 1974 йилда жами ижтимоий маҳсулотнинг тахминан 38%и аграр-саноат комплексига кирувчи тармоқларда етиштирилган. Аграр-саноат комплексининг миқёслари халқ хўжалиги бошқа ҳамма комплексларнинг ҳажмидан анча катта бўлган. Унинг асосий соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги унга ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг 60%и ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи тармоқларнинг 70%и билан алоқа ўрнатган эди[4, Б.22].

Мамлакат халқ хўжалиги аграр-саноат комплексининг кучли ҳудудий бўғини бўлган Ўзбекистон аграр-саноат комплекси ўзининг асосий вазифаси - деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бирга қишлоқда саноат тармоқларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини индустриал асосда ўзгартириш учун шарт-шароит яратди.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш ва интенсивлаш йўли республика АСКнинг биринчи соҳасининг ўсишига ёрдам берди. 1965-1978 йилларда минерал ўғит ишлаб чиқариш (шартли бирликларда) 2,8 баравар, тракторлар 1,3 баравар, пахта териш машиналари 1,3, электр энергия 3 баравар кўпайган. Натижада, шу давр ичида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг энергетик қуввати икки баравардан кўпроқ ошган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ҳар бир ходимга ҳисоблаганда энергия билан таъминланиши 1,8 баравар кўпайиб, 11 от кучига етган, 100 гектар экинзор ҳисобига энергия билан таъминланиш эса икки баравар ортиб, 465 от кучига етган. Машинада терилган пахтанинг салмоғи 1965-1979 йилларда икки баравардан зиёд, машинада сабзавот экиш 2,5 баравар, сигирларни машинада соғиш 5,9 баравар, қорамол фермаларида автомат усулида суғориш 2,8 баравар ортган.

Биринчи соҳадан ишлаб чиқариш воситаларнинг кўплаб юборилиши Ўзбекистон

АСКнинг иккинчи соҳаси ривожини таъминлади. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўрта ҳисобда тўққизинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан режадаги 19,1% ўрнига 21,6% кўпайган. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 9 млн тонна, яъни режада белгилангандан 1,4 млн тонна кўп дон, 22,3 млн тонна ёки режадагидан 480 минг тонна кўп пахта, 13,9 млн тонна ёки режага нисбатан 1 млн 58 минг тонна кўп сабзавот-полииз маҳсулотлари ва мева етиштирилган. Гўшт, сут ва тухум харид қилиш ҳажми ўнинчи беш йилликнинг дастлабки тўрт йили учун белгиланган топшириқдан анча кўп бўлди. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон қайта ишлаш саноатининг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш динамикаси келтирилган.

2-жадвал.

Ўзбекистон қайта ишлаш саноатининг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш динамикаси[5, А.14]

Кўрсаткич	1940 й.	1950 й.	1960 й.	1965 й.	1970 й.	1974 й.
Пахта толаси, минг т.	534,4	670	1092	1236,6	1383,8	1581,5
Ипак хом ашёси	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	1,4
Пахта матоси млн линеер м.	107,4	161,2	235,0	254,0	210,0	218
Ипак матоси млн линеер м.	4,5	8,7	24,0	37,8	50,4	86
Ўсимлик (пахта) ёғи минг т.	142	152	258	309	294	404
Мева-сабзавот консервалари млн банка	39,0	73,0	178,0	232,0	334,0	522
Узум виноси млн дал	1,9	1,4	3,1	4,5	7,9	10,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, бу вақт оралиғида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бирламчи ишлов бериш тармоғи муҳим ўрин тутган.

Ўзбекистон АСКнинг биринчи ва иккинчи соҳаларининг ривожланиши халқ хўжалигининг провард натижаларига ижобий таъсир этган. Хусусан, енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти (учунчи соҳа) бунинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилган. 1965-1978 йилларда пахта толаси ишлаб чиқариш 43%, хом ипак 74, чарм пойабзал 99, сут маҳсулотлари 187, ўсимлик ёғи 47, консервалар ишлаб чиқариш 171% кўпайган. Республика АСКнинг учинчи соҳасида жами саноат маҳсулотининг 18%и ишлаб чиқариларди. Бу вақтда Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ўртасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришда учинчи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришда тўртинчи, узум виноси ишлаб чиқаришда бешинчи ўринни эгаллаган эди[4, Б.22].

Ўзбекистон шароитида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг интеграция жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Чунки саноат ялпи маҳсулотининг тизимида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик билан бевосита

боғланган тармоқлар асосий ўринни эгаллаган. Чунончи, 1978 йилда республикада ишлаб чиқарилган жами ялпи маҳсулотнинг 43%и қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши улушига тўғри келган бўлса, соноат маҳсулотининг қиймати 16,6 млрд сўмни (республика ялпи маҳсулотининг салкам 53%ини) ташкил этган.

Ўзбекистон аграр-саноат комплекслари ҳам иттифоқ аграр-саноат комплексининг ягона таркибий қисми сифатида ривожланди.

Ўзбекистонда ҳудуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли аграр-саноат корхоналари вужудга келтирилган эди. Аграр-саноат корхоналарининг бошланғич шакллари совхоз-завод (Тошкент вилоятидаги "Огонёк", Сирдарё вилоятидаги "Фарғона", Самарқанд вилоятидаги "Норпой" кабилар), агрокомбинат (Андижон вилоятидаги "Киров" агросаноат комбинати), аграр-саноат бирлашмаларидан (Тошкент вилоятида "Халқобод" агросаноат бирлашмаси (1962 й.)) иборат эди[6, Б.11].

Шулардан бири бўлган Наманган вилоят аграр-саноат бирлашмаси 1978 йил сентябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан ташкил этилган эди. Бирлашмага 24 та давлат хўжалиги, 2 та совхоз-завод, 1 та вино заводи, 1 та консерва заводи, 1 та қуруқ мева тайёрлаш заводи ҳамда агрокимё лабораторияси, ПМК-5, автопарк ташкилоти ва идиш тайёрлаш цехи бирлаштирилган эди. 1983 йилга келиб бу аграр-саноат бирлашмасида давлат хўжаликлар[8] сони 34 тага етган. Аграр-саноат бирлашмасига қарашли давлат хўжаликлари турлича ихтисослаштирилган эди[7].

Ўзбекистоннинг иттифоқ халқ хўжалиги тизимида энг аввало асосий пахта базаси вазифасини бажарадиган аграр-саноат комплекси пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг у билан боғлиқ бўлган тармоқлари, сув хўжалиги ва унинг сугориш базаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом ашёсини дастлабки ишлаш, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ва унинг тармоқларига хизмат кўрсатадиган тармоқларни ўз ичига оладиган мураккаб комплекс эди[9].

Ўзбекистон йирик пахтачилик районининг шаклланиши ва айни пайтда енгил ва оғир саноат тармоқларининг ривожлантирилиши янги ташкилий-ишлаб чиқариш замини ва шароити яратишни талаб қилди. Совет Иттифоқининг ягона халқ хўжалигининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши йиллар давомида республикада қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатни барпо этиш имконини берди. У аграр шароитдан техник жиҳатдан қуrolланган саноатга эга бўлган, ишлаб-чиқариш-ҳудудий комплекс шаклида марказлашган индустриал-аграр комплекс даражасига кўтарилган.

Уларнинг энг муҳимларидан бири - аграр-саноат комплекси бўлиб, унинг хажми ва тизими қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар аграр-саноат комплекси ва унинг тармоқларини республика халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамиятини характерлаб беради.

3-жадвал.

1960-1980 йиллар мобайнида Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши[11]

Аграр-саноат комплекси таркиби	Ялпи маҳсулот (млн сўм)				Асосий ишлаб чиқариш фонди (млн сўм)			Ишловчи хизматчилар сони (минг киши)		
	1960 йилда	1970 йилда	1975 йилда	1980 йилда	1970 йилда	1975 йилда	1980 йилда	1970 йилда	1975 йилда	1980 йилда

Жами халқ хўжалигида Шу жумладан, аграр- саноат комплексиди ҳаммаси	8169, 2	18036 ,5	26455, 4	33140, 1	13602	25286	3564 1	3715 ,7	3843 ,0	3972, 5
	5636	10836	155133	17654	5387	10475	1592 2	1811	1882	1925
Аграр-саноат комплексига нисбатан, %	69,8	60,1	57,2	53,2	39,6	41,0	44,6	49,9	47,5	47,0
Қишлоқ хўжалигида Маҳсулотни дастлабки ишлаш саноатида	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Маҳсулотни қайта ишлаш саноатида	40,9	39,5	38,6	42,5	72,4	74,0	75,7	83,2	82,6	82,2
Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари яратиш барадиган, енгил ва озиқ-овқат саноатида	25,9	19,6	19,6	16,8	3,0	2,9	2,6	2,4	2,6	2,7
	29,3	32,9	30,5	30,6	12,7	12,2	11,2	10,5	10,8	11,0
Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари яратиш барадиган, енгил ва озиқ-овқат саноатида	3,9	8,0	11,3	11,4	11,8	10,9	10,5	3,9	4,0	4,2

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон аграр-саноат комплекси тизимида иккинчи соҳа - қишлоқ хўжалиги асосий ўрин тутган. Етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 53, комплексда ишловчи кишиларнинг 50,4, фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг 44,6%и АСКнинг ҳиссасига тўғри келган.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки ишлаш билан банд бўлган саноат тармоғи, унинг таркибида асосий ўрин тутадиган пахта тозалаш саноати энг кам фонд истеъмол қиларди. Аграр-саноат комплексиди 1980 йилда ялпи маҳсулотнинг 16,8%и етиштирилгани ҳолда асосий ишлаб чиқариш фондлари 2,6, ундаги ишчилар сони 2,7%ни ташкил қилган.

Аграр-саноат комплекси ялпи маҳсулотининг 30%дан ортиқ қисми пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларини қайта ишлаш - тўқимачилик, чарм-мўйна тикиш, пойабзал, шунингдек, озиқ-овқат саноати: гўшт, сут, улардан кўра ривожланган - ёғ, консерва-вино тайёрлаш саноати ҳиссасига тушган. Бу соҳаларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 11,2 ва унда банд бўлган ишчилар сони 11,0%ни ташкил этиб, бу ялпи маҳсулот ҳиссасига олиб қараганда 2,5-3,0 барабар кам эди[11].

Пахта комплекси республика АСКнинг муҳим тармоғи бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг 70%и ва АСКдаги ходимларнинг 80%дан кўпроғи тўпланган эди. Ўзбекистон АСК тизимида пахта комплекси фақат шу параметрлар бўйича эмас, шунингдек, умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли юзасидан ҳам устун мавқени эгалларди. Ўзбекистон ўз хўжаликларини пахта ва кўсак териш машиналари билан таъминлашдан ташқари, уларни бошқа республикаларга ҳам етказиб беради. Трактор, юк машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини эса бошқа республикалар: РСФСР, Украина, Белоруссиядан оларди. Бинобарин, ҳудудий аграр-саноат комплексининг фаолияти Иттифоқнинг меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперациялаш қоидаларига мувофиқ шакллантирилган ягона аграр-саноат комплексининг органик таркибий қисмига кирарди.

Республика АСКнинг асосий қисми бўлган пахта комплекси уч соҳадан; 1) пахта комплекси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва пахтачилик

билан узвий ишлаб чиқариш алоқасига эга бўлган тармоқлар; 2) пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг ердан, сувдан, меҳнат ва бошқа манбалардан биргаликдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлари; 3) пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик ва озиқ-овқат саноатидан иборат бўлган. Бундан ташқари, пахтачиликнинг инфраструктураси: пахтачиликнинг турли ашё ва техника билан таъминлаш тизими, қишлоқ ишлаб чиқариш, мелиоратив, ирригация, йўл қурилишининг кўп қисмини, қишлоқ транспорти, қишлоқ хўжалиги фани, кадрлар тайёрлаш ва шу кабилар ҳам пахта комплексида катта ўрин тутган[12].

Соҳалар бўйича "Ўзплодоовощинпром", "Межколхозоткорм", "Главуправшёлк" "Ўзглавзаготживпром", "Ўзптицепром", "Ўзглавкаракульпром" бирлашмалари ташкил қилиниб, уларда ихтисослаш-тирилган қишлоқ хўжалик корхоналарининг деярли ҳаммаси марказлаштирилган эди. 1980 йилга келиб республикада 854 жамоа хўжалиги ва 862 давлат жўжалиги ишлаб турарди, улардан 33 таси шиликорликка, 180 таси сабзавот-узумчиликка, 92 таси кўйчиликка, 32 таси паррандачиликка, 13 таси чўчқачиликка, 56 таси гўшт ва гўшт-сутчиликка ихтисослаштирилган эди. Ихтисослаштирилган хўжаликлар экин хосилдорлигининг 15-20, чорвачилик маҳсулдорлиги 30%гача ортишини таъминлаган. Айни пайтда республика бўйича пахта, каноп, тамакининг ҳаммасини, сабзавот-полиз маҳсулотларининг 60, шолининг 80, деҳқончилик маҳсулотларининг 85, гўштнинг 52%ини ҳамда қоракўл терининг ҳаммасини ихтисослаштирилган хўжаликлар етказиб берган. Шундай қилиб, аграр-саноат интеграцияси турли даражаларда амалга ошириб борилди[4].

СССР Марказий статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, 1978 йилнинг бошларида Иттифоқ бўйича 661 та тугалланган ишлаб чиқариш айланишига эга бўлган сотиш учун тайёр маҳсулот етиштириб бераётган паррандачилик фабрикалари кўшиб ҳисоблаганда 1400 та бундай корхоналар бўлган. Булардан ташқари ўша пайтгача 124 та ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмаси ишга туширилган. 1981 йилда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ саноат-аграр бирлашма мавжуд бўлиб, ундан иккитаси ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталарди. Шулар билан бирга яна 30 дан ортиқ тўла маҳсулот берадиган паррандачилик фабрикаси ҳам бор эди[11, Б.25].

Умуман айтганда, 1965-1980 йиллар мобайнида республикада пахта етиштириш 66%, дон етиштириш тўрт мартадан зиёд, сабзавот ва полиз маҳсулотлари - 4,3, мева ва узум деярли уч барабар, пилла - 1,7, гўшт икки барабар, сут - 2,2, тухум - 2,7 барабар кўпайтирилган ва ҳоказо[11, Б.25].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон агросаноат комплексининг потенциал имкониятлари амалда катта бўлса-да, унинг салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлиги ниҳоятда паст бўлди. АСКлар йиллар давомида жамоа ва давлат хўжаликлари сингари ҳуқуқий (аслида деярли ҳуқуқсиз!) мавқеда бўлганлиги улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, АСКнинг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. XXV съезд КПСС. Стенографический отчет. - М.: Политиздат, 1981. - С. 38. (XXV Congress of the CPSU. Verbatim report. - M.: Politizdat, 1981. - P. 38.)
2. Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг

ривожланиши. - Т: Ўзбекистон. - Б. 16. (Usmanov S.N, Rizaev M.T. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - Т: Uzbekistan. - P. 16.)

3. О дальнейшем развитии специализации и концентрации сельскохозяйственного производства на базе межхозяйственной кооперации и агропромышленной интеграции. Постановление ЦК КПСС. - М., 1976. - С. 6. (On the further development of specialization and concentration of agricultural production on the basis of inter-farm cooperation and agro-industrial integration. Resolution of the Central Committee of the CPSU. - М., 1976. - P. 6.)

4. Тухлиев Н. Аграр-саноат интеграцияси // Ўзбекистон коммунисти. №6. 1980. - Б.20. (Tuhliev N. Agricultural and industrial integration // Communist Uzbekistan, 1980. No.6. - P.20.)

5. Лапкин К., Головченко Б. К вопросу совершенствования агропромышленного комплекса Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. №3. 1976. - С.14. (Lapkin K., Golovchenko B. On the issue of improving the agricultural sector of Uzbekistan // Social Sciences in Uzbekistan. No. 3. 1976.- P. 14.)

6. Ўтамуродов А. Аграр-саноат интеграцияси. - Т., 1984. - Б.11. (Utamurodov A. Agricultural and industrial integration. - Т., 1984. - P. 11.)

7. Наманган вилоят аграр-саноат бирлашмасига қарашли давлат хўжаликлари вилоятнинг турли ҳудудларида жойлашган эди. Масалан: Косонсой туманида - "Бухоро", "Косонсой" ва "Шарқ юлдузи", Наманган туманида - "Самарқанд" ва "Шербулоқ", Тўрақўрғон туманида - "Ленин" номли совхоз-заводи. (State-owned farms of the Namangan Regional Agro-Industrial Union were located in different parts of the region. For example: Kosonsoy district - "Bukhara", "Kosonsoy" and "Oriental Star", "Namangan region - "Samarkand" and "Sherbuloq", "Lenin" farm in Turakurgan district.)

8. Масалан, "Косонсой" давлат хўжалиги - сабзавотчиликка, "Ленинизм" ва "Комсомолобод" давлат хўжаликлари - сабзавот ва мевачиликка, "Россия" давлат хўжалиги - картошкачиликка, "Ленин" номли совхоз-завод ва "Гагарин" давлат хўжалиги - узумчиликка, "Нанай" ва "Фурунзе" номли давлат хўжаликлари - мевачиликка, "Бухоро", "Самарқанд", "Шербулоқ", "ВЛКСМ 60 йиллиги", "Калинин", "Ўзбекистон", "Мичурин", "Фарғона", "Чортоқ", "Коммунизм", "Ўнинчи беш йиллик", "Ленинобод", "Победа", "Заркент", "Хўжакент", "Гулшан", "Ҳамза Ҳакимзода", "Ильич", "Ульянов", "К.Маркс", "Киров", "Оқтом" давлат хўжаликлари мева-узумчиликка ихтисослаштирилган эди. Қаранг: Ваҳобов А., Исмоилов Э. Наманган аграр-саноат бирлашмаси. - Т.: Ўзбекистон, 1984. - Б. 21. (For example, the state farm "Kosonsoy" - vegetable growing, "Leninism" and "Komsomolabad" - vegetable and fruit production, "Russian" state-owned potato, Lenin farm and Gagarin state-owned viticulture. And Furunze farms - "Bukhara", "Samarkand", "Sherbuloq", "VLKSM 60th Anniversary", "Kalinin", "Uzbekistan", "Michurin", "Ferghana", "Chortoq", "Communism, Tenth Five Years", "Leninabad", "Pobeda", "Zarkent", "Khojakent", "Gulshan", "Hamza Hakimzoda", "Ilich", "Ulyanov", "K. Marks", "Kirov", "Oktom" were specialized in fruit and vegetable growing. See also A. Vahobov, E. Ismailov. Namangan Agro-Industrial Association. - Т.: Uzbekistan, 1984. - p. 21.)

9. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 384-рўйхат, 1-иш, 48-варақ. (Uzbekistan RPDA, Fund 58, List 384, Work 1, Page 48.)

10. Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши. - Т.: Ўзбекистон, 1981. - Б. 24. (Usmanov S.N, Rizaev M.T.

Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - T.: Uzbekistan, 1981. - P. 24)

11.Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши. - Т.: Ўзбекистон, 1981. - Б. 25. (Usmanov S.N, Rizaev M.T. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - T.: Uzbekistan, 1981. - P. 25)

12."Экономика и Жизнь", №3. 1982. - С. 57.

13.Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981. - Б.18. (Usmanov S.N, Rizaev M.T. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - T.: Uzbekistan, 1981. - P. 18)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№23 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000